



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЮК ТАШУВЧИЛАРНИ Қўллаб-қувватлашга доир қўшимча ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Автомобиль транспортида юк ташувчи тадбиркорлик субъектларининг автотранспорт воситалари паркини янада янгилаш ва модернизация қилиш, маҳаллий юк ташувчилар учун қулай рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, автомобилда халқаро ташувлар соҳасини ривожлантиришнинг ижобий тенденциясини сақлаб қолиш мақсадида:

1. Юк ташиш учун мўлжалланган, ишлаб чиқарилганига 7 йилдан ошмаган қуйдаги транспорт воситаларини 2025 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда уларга божхона божининг, утилизация йиғимининг ва автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун автотранспорт йиғимларининг ноль ставкалари қўлланилсин:

“Евро-5” ва ундан юқори экологик тоифа талабларига мос келадиган автотранспорт воситалари (ТИФ ТН кодлари 8701 20, 8704 22 (самосваллардан ташқари);

тиркамалар ва ярим тиркамалар (ТИФ ТН кодлари 8716 31, 8716 39).

2. Европа Иттифоқи мамлакатларида ишлаб чиқарилган, ишлаб чиқарилганига 7 йилдан ошмаган қуйдаги транспорт

воситалари 2025 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда мажбурий сертификатлашдан озод қилинсин: “Евро-5” ва ундан юқори экологик тоифа талабларига мос келадиган юк ва махсус автотранспорт воситалари;

автомобиль транспортида юк ташиш учун фойдаланиладиган тиркамалар ва яримтиркамалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

Белгилансинки, мазкур қарорга илованинг 2-банди “б” кичик банди ҳамда 3-банди “в” кичик банди у расмий эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб транспорт вазири И.Р. Махкамов белгилансин.

Қарор ижросини муҳофама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 19 август

Ш. МИРЗИЁЕВ

МУНОСАБАТ

Янги Ўзбекистоннинг шиддаткор бугуни ва ёрқин эртаси тавсифи

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотларнинг илк залворли натижалари ва ёрқин эртасининг ишонч руҳи билан сўғорилган тавсифи баён этилади.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрамига қандай натижалар билан келаётганимиз, бу борадаги ютуқлар ва сабоқлар, катта режалар, ҳайратомуз истиқболимизнинг янги манзараси кўз ўнгимиздан ўтиб, қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: мустақиллик байрамига қандай натижалар ва тарихий ўзгаришлар билан бормоқдамиз? Бунга жавоб бериш учун ўтган 25 йил ва кейинги

5 йилда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш тўғри бўлади. Энг аввало, эришилган ютуқлар қаторида халқимиз менталитети, турмуш тарзи, дунёқараши, мақсад ва режалари тубдан ўзгарганини таъкидлаш жоиз. Бу ўзгаришлар икки муҳим омил кучига, яъни буюк келажакка ишонч ва мақсадли ҳаракатларни таяниш ҳисобига юз бераётганига амин бўламиз.

▶ Давоми 3-бетда



АКС-САДО

МУҲИМ ИДРОКИЙ ВА НАЗАРИЙ ОЗУҚА, МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Бугун мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Халқимизнинг эртага эмас, бугунданоқ ислохотлар самарасини сезиб яшаши учун тинимсиз меҳнат қилинмоқда. Бу борадаги натижаларни, халқнинг юрак тубида яширинган истак ва хоҳиш билан бирга армонларини ҳам намоён этадиган сўзларни Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига жавобларида ўқишимиз мумкин.

Бу шунчаки интервью эмас, аксинча, ҳеч шубҳасиз, халқни саодат ва бахтиёр кунларга етказуви, эркин ва фаровон ҳаёт сари олиб борувчи дастурий ҳужжат, десак муболага бўлмайди.

Бундай дейишимизга асослар бор. Давлатимиз етакчиси бизнинг мустақил тараққиёт йўлимиз, 30 йилда эришган ютуқларимиз, шунингдек, йўл қўйган ҳаётларимизга баҳо бериш билан бирга, Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг асл мақсадини ҳам халқчил, содда тилда тушунтирди. Ўз навбатида, келажакда олдимизга қандай янги марралар қўйишимиз, қандай тараққий этишимиз

керак, деган низоҳатда муҳим ва ҳаётий саволларга батафсил жавоб берди.

Президентимизнинг катта интервьюси илмий-назарий аҳамиятга эгалиги, чинакам фан ютуқларига асосланган ҳулосаларга бойлиги билан ҳам ғоят долзарбдир. Шу боис, фикримизча, мазкур интервьюни нафақат амалиётчи олимлар, балки назарий билимлар билан шуғулланаётган, жамият ривожланишини ўрганаётган тадқиқотчилар ҳам ҳар томонлама чуқур ўрганиши фойдадан холи бўлмайди.

▶ Давоми 2-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ГАЗЕТАСИ
БОШ МУҲАРРИРИ САВОЛЛАРИГА
ЖАВОБЛАРИ АРАБ ТИЛИГА ТАРЖИМА
ҚИЛИНИБ, МИСР МАТБУОТИДА
ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига жавоблари Миср ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлил, илмий-академик, ишбилармон доиралари, оммавий ахборот воситалари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси маълумотига қура, “Ал-Хабар ал-Йаум” оммабон газетаси давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар

ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” сарлавҳали суҳбат матинини араб тилига таржима қилди ва эълон қилди.

Ўзбекистон етакчисининг интервьюси мазкур газета халқаро



бўлими раҳбари Фотима Рамазон Бадавий томонидан араб тилига ўтирилди.

“Дунё” АА

Қоҳира

ФАХР-ИФТИХОР

ШЕР КАБИ КУРАШГАН ЎЗБЕК Ўғлонларига ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Спорт мусобақаларининг энг нуфузлиси, шубҳасиз, Олимпиада ўйинларидир. Энг қадимги даврлардан оммалашиб келган ушбу спорт анжуманига дунёнинг аксар давлатлари жиддий тайёргарлик кўришининг боиси ҳам шундан. Жорий йил Токиода XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари мураккаб вазиятда ўтказилганига қарамай, кўпларнинг ёдида қоладиган, унутилмас таассуротларга бой бўлди. Айниқса, ўзбек спортчиларининг юқори даражадаги иштироки ҳамда қўлга киритган ғалабалари халқимиз кўнглини тоғдек кўтариб, қалбларда фахр туйғуларини мавжлантирди.

▶ Давоми 5-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Й И Ш И

МАМЛАКАТДА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРНИНГ БИР ГУРУҲИГА МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Тоҳимирзаева Гузалхон Баҳодир қизи — Сирдарё вилоятидаги “Wang da group” МЧЖ раҳбари

Хасанова Саидбиби Нематовна — Сирдарё вилоятидаги “Orchid-beauty” МЧЖ раҳбари
Шоймардонов Шерзод Турсунпўлатович — Сурхондарё вилоятидаги “Indenim klaster” МЧЖ раҳбари

Мусабаев Алишер Косимович — Сурхондарё вилоятидаги “Sherobod anor impex” МЧЖ раҳбари

Эрдоган Филиз Марашлиоглу — Сурхондарё вилоятидаги “Alles Sag’lik Group” МЧЖ хорижий корхонаси раҳбари

Муратов Саидбек Адилбекович — Тошкент вилоятидаги “Quality device” МЧЖ раҳбари

Назирбеков Рустамбек Равшанбекович — Тошкент вилоятидаги “Navruz international corp” МЧЖ раҳбари

Рахметов Хикматулла Нарзуллаевич — Тошкент вилоятидаги “East mining invest” МЧЖ раҳбари

Разоков Муминжон Махамматович — Фарғона вилоятидаги “Fergana global textile” МЧЖ раҳбари

Сую Деминг — Фарғона вилоятидаги “Farg’ona yasin qurilish mollari” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Якубов Абдуваққос Абдусатторович — Фарғона вилоятидаги “Albus cement group” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Аминова Наргиза Толибовна — Фарғона вилоятидаги “Narimteks” МЧЖ Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси раҳбари

Нурметов Сарвар Комилжонович — Хоразм вилоятидаги “Xorazm tex” МЧЖ раҳбари
Душамов Элёр Шухрат ўғли — Хоразм вилоятидаги “Textile finance Khorezm” МЧЖ раҳбари

Ахмедов Баходир Атамуратович — Хоразм вилоятидаги “Urganch baxmal” МЧЖ раҳбари

Хашимов Зафар Камилевич — Тошкент шаҳридаги “Anglesey food” МЧЖ раҳбари

Бекмуратова Наргиза Улуғбековна — Тошкент шаҳридаги “Elegant Garment Textile” МЧЖ раҳбари

Назаров Муроджон Тахирджанович — Тошкент шаҳридаги “Franchising invest” МЧЖ раҳбари

Самиқонов Бекзод Алишер ўғли — Тошкент шаҳридаги “Sofiya qandolat” МЧЖ раҳбари

“Энг яхши солиқ тўловчи” сифатида

Панаев Исламбек Кутлимуратович — Қорақалпоғистон Республикасидаги “Stroy vektor plus” хусусий корхонаси раҳбари

Нурлибаева Бахитгул Зариевна — Қорақалпоғистон Республикасидаги “Titan cement” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Юсупов Хурсандбек Убайдуллаевич — Андижон вилоятидаги “Saxovat texts” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Гадоев Шодмон Толибович — Бухоро вилоятидаги “Promtexservisspesmontaj” МЧЖ раҳбари

Файзиев Ботиржон Убайдуллаевич — Бухоро вилоятидаги “Petrochem Bukhara” МЧЖ раҳбари

Сайфуллаев Хожиакбар Гафурович — Жиззах вилоятидаги “Sangzor – parranda” МЧЖ раҳбари

Абдурахманов Илхомжон Турсунович — Жиззах вилоятидаги “Paxtakor teks” МЧЖ раҳбари

Юсупов Жамол Ахматович — Қашқадарё вилоятидаги “Nasaf profi servis” МЧЖ раҳбари

Гелдиев Уктам Хусанович — Қашқадарё вилоятидаги “Namuna qurilish montaj dezayn servis” МЧЖ раҳбари

Хамраев Бахтиёр Джаббарович — Навоий вилоятидаги “Gidro-stanko-servis” МЧЖ раҳбари

Файзиев Ибрагим Ахмаджонович — Навоий вилоятидаги “Navpromlitmash” МЧЖ раҳбари

Тудаков Алексей Павлович — Наманган вилоятидаги “Chortoq mineral water” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Дадабаев Қобил Касимбоевич — Наманган вилоятидаги “Art soft tex” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Умаров Бахтиёр Ганиевич — Наманган вилоятидаги “Istiqloq tekstil dizayn” МЧЖ раҳбари

Жўраев Фахриддин Умаркулович — Самарқанд вилоятидаги “Jomboy yashil chiroqlari” МЧЖ раҳбари

Муслинов Бахтиёр Мухамеджанович — Самарқанд вилоятидаги “Baxt” хусусий корхонаси раҳбари

Абдуллоев Камол Талатович — Самарқанд шаҳридаги “SAM ANTER GILAM” МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси раҳбари

Ураков Қўзибой — Сирдарё вилоятидаги “Baxteks-farm” МЧЖ раҳбари

Гафуров Умар Хасанович — Сирдарё вилоятидаги “Temur med farm” МЧЖ раҳбари

Асатов Хамидулла — Сурхондарё вилоятидаги “PETROMARUZ Uzbekistan” МЧЖ хорижий корхонаси раҳбари

Алимов Шерзод Гайратович — Сурхондарё вилоятидаги “Angor Surxon g’urufi” МЧЖ раҳбари

Нурходжаев Алишер Рахматуллаевич — Тошкент вилоятидаги “Argayl” МЧЖ раҳбари

Сабирджанов Одилжон Садижанович — Тошкент вилоятидаги “Master global plus” МЧЖ раҳбари

Юлдашев Адхам Меликузиевич — Фарғона вилоятидаги “Star metal” МЧЖ раҳбари

Қосимов Ғайрат Муталович — Фарғона вилоятидаги “Hamza expo art tekstil” хусусий корхонаси раҳбари

Шарилов Умарбек Қуранбаевич — Хоразм вилоятидаги “Tillo domor” хусусий корхонаси раҳбари

Мишагин Олег Анатольевич — Тошкент шаҳридаги “Soft line international” МЧЖ раҳбари

“Энг яхши экспортёр” сифатида

Юлдашев Хуршид Рузмаметович — Қорақалпоғистон Республикасидаги “To’rtko’l shisha idishlari” МЧЖ раҳбари

Исмоилов Абдулхошим Мамасобирович — Андижон вилоятидаги “Ravon taraqqiyot ogzusi” МЧЖ раҳбари

Зокиров Фарходжон Латипович — Андижон вилоятидаги “Ho’jaobod fayz-m” МЧЖ раҳбари

Дерипалко Дмитрий Александрович — Бухоро вилоятидаги “Knauf Gips Buxara” МЧЖ шаклидаги Германия хорижий корхонаси раҳбари

Ҳакимов Жамшид Юсупович — Жиззах вилоятидаги “Arnasoy gold tex” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Мамадаминов Умид Махмудович — Жиззах вилоятидаги “Jizzakh agnitrade” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Эргашев Дадажон Азимжанович — Жиззах вилоятидаги “Jizzax-Toshtepa tekstil” МЧЖ раҳбари

Ченг Зи — Қашқадарё вилоятидаги “LT textile international” МЧЖ хорижий корхонаси раҳбари

Юсупов Носир Фатихович — Самарқанд вилоятидаги “Bulungur-sandvikagrofirma” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Фаттаев Абдурашид Мўминович — Самарқанд вилоятидаги “Zarafshon tekstil” МЧЖ раҳбари

Самарин Денис Павлович — Самарқанд

вилоятидаги “Sam fruit” АЖ қўшма корхонаси раҳбари

Кадилов Дилшод Гайратович — Сурхондарё вилоятидаги “Best veg” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Мирзаев Улуғбек Махаматкарим ўғли — Тошкент вилоятидаги “Technologies of real time” МЧЖ раҳбари

Хайдаров Шокир Валерьевич — Тошкент вилоятидаги “Green agro food” МЧЖ раҳбари

Халмурзаев Анвар Нишанович — Тошкент вилоятидаги “Legumes” МЧЖ раҳбари

Касимов Мақсуджон Мусинжонович — Фарғона вилоятидаги “Nurlil tong-silk” МЧЖ раҳбари

Абдурахимов Мухсин Муминович — Фарғона вилоятидаги “Kokand bicycles” МЧЖ раҳбари

Норматов Хуршид Абдурашидович — Фарғона вилоятидаги “Uz-segang” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Абдурахмонов Адхамжон — Фарғона вилоятидаги “Paradise garden fruits” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари

Ҳожиёв Дилшодбек Мақсудбек ўғли — Хоразм вилоятидаги “New best style” МЧЖ раҳбари

Худайназаров Хурсандбек Шавкат ўғли — Хоразм вилоятидаги “Global food impex” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Қасимов Шерзоджон Хабибуллаевич — Тошкент шаҳридаги “Techno export” МЧЖ раҳбари

Исонбаев Саркор Равшанович — Тошкент шаҳридаги “Dentafill plus” МЧЖ раҳбари

Дадахонов Даврон Тохирович — Тошкент шаҳридаги “Global export company” МЧЖ раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 19 август

Ш. МИРЗИЁЕВ

АКС-САДО

МУҲИМ ИДРОКИЙ ВА НАЗАРИЙ ОЗУҚА, МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КЎЗГУСИ



Содиқ САФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Раисининг биринчи
ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Нима учун? Чунки мамлакатнинг барқарор ривожланиши, биринчи навбатда, узоқ муддатли стратегик назарни талаб этади. Яъни бу давлат раҳбарининг аниқ стратегик дунёқарашга эгалиги билан боғлиқ. Башарти раҳбарият кундалик, жорий масалаларни ҳал қилиш билан банд бўлиб қолса, албатта, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб масалалар назардан четда қолиши мумкин. Бошқача айтганда, дарахт ортидаги ўрмонни кўра билмаслик охир-оқибат манзил-нишонни йўқотишга олиб келади.

Шу маънода, Президентимизнинг фикрлари узоқ муддатли стратегик қарашлар билан боғлиқ мулоҳазаларга бойлиги билан ўзига хос тараққиётимиз кўзгуси сифатида бўй кўрсатди. Ўз навбатида, жамиятимиз, давлатимиз ривожланишининг янги мафқурасини белгилайди, десак муболаға бўлмайди.

Чунки, суҳбатда, энг аввало, **халқимиз бугуни ва келажagini белгилаб берадиган — қандай жамият қураёмиз, мақсадларимиз нима, давлатчилигимизнинг тамал тошини белгилайдиган тамойиллар сирасига нималар қиради, нимадан воз кечишимиз зарур, келажакда Ватанимиз қандай бўлиши керак**, деган савол-

ларга жавоб бор. Бу буюк жараёнда эса ҳар биримиздан фидойилик ва ҳақ-қонийлик талаб этилади.

Гап шу ҳақда борар экан “**Ўз командани ҳақиқий ҳолатга мутлақо алоқаси бўлмаган баландпарвоз гаплар ва “чиройли” рақамларни ёқтирмас-лигимни айтиб, қаттиқ оғоҳлантирганман**”, деди давлатимиз раҳбари.

Эътибор қилинг, бу принципнинг моҳияти шундан иборатки, Ўзбекистон етакчиси баландпарвоз, ҳавойи, даб-дабали шiorларга асосланган ички ва ташқи сиёсатдан воз кечиб, том маънода инсон эҳтиёжлари, миллий манфаатни илгари суришни ўз мақсади этиб белгиланган.

Шундай экан, биз ҳам ҳар доим умумий, концептуал масалаларга назар ташлашимиз керак. Президентимизнинг интервьюси шу нукта назардан барчамизга ниҳоятда муҳим идрокий, назарий озуқа бермоқда.

Яна бир нарсаса эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Интервьюда халқимиз билан бирга ўтказган машаққатли йиллар ҳақида ҳам гап боради.

Етақчилиқка хос олижаноблик, виқор билан, тарихга тош отмасдан мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ҳолис чархланиб, таҳлил қилинган.

Биз баҳолар биз учун нега муҳим? Албатта, тарихдан хулоса чиқариб, хатоларни тақдорламаслик учун, бугун ва яқин келажакда амалга оширадиган ишларимизни аниқ белгилаб олишимиз учун муҳим. Шу ўринда, интервьюни ўқиб қисқа даврда қандай катта ютуқларга эришганимиздан фахрланаётганимизни ҳам айтиб ўтиш адолатдан бўлади.

Утиш даврини бошдан кечираётган давлатлар иқтисодий тарихини кўздан кечирсак, аксарият мамлакатларда ислохотлар ҳар доим иқтисодий пасайишига, ижтимоий зиддиятлар кескинлашувига олиб келгани гувоҳи бўламыз. Бу табиий. Чунки мамлакат, жамият қайтадан қурилмақда. Биз таъкид билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистонда кейинги 5 йилда амалга оширилган кенг қуламли ислохотлар самарасида иқтисодиётимиз ўсиш суръати

“Президентимизнинг “Бундай ҳолис баҳолар барчамизни қувонтиради. Айни вақтда шунини таъкидлашни истардимки, биз бу демократик ўзгаришларни кимларгадир ёқиш, мақтаниш, турли рейтингларга кириш учун эмас, аксинча, демократик жараёнлар ўзимизга сув билан ҳаводек зарур бўлгани учун, халқимиз, авваламбор, ёш авлодимизнинг бузулган ҳаёти ва эртанги истиқболини ўйлаб, миллий манфаатларимиз йўлида амалга оширмоқдамиз”, деган гапи кейинги йилларда олдимизга қўйган буюк мақсадимизнинг содда ва улугвор ифодаси бўлганини қувонч билан таъкидлашни истардим.

бўйича дунёдаги энг илгор давлатлар сафига кирдик.

Бизда одатда ислохотлар ниҳоятда мураккаб кечган, лекин Янги Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан олиб борилаётган ижтимоий сиёсат, соф Ўзбекистонга хос бўлган “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби янги усуллар, “Маҳаллабай”, “Хонадонбай” сиёсатининг амалга оширилиши эвазига раҳбарлар кабинетидан пастга, халқ орасига тушди. Бу катта ютуқларимиздан бири бўлди.

Ислохотлар натижаси учун одатда вақт керак бўлади. Иқтисодчилар буни “вақт лаги” дейди. Яъни, дорининг таъсири муайян вақтдан сўнг сезилади. Лекин бугунги Ўзбекистонда ислохотлар тўғриси олиб боришга туфайли ҳар бир соҳада натижаларни тезда кўраёмиз. Тадбиркорлар, зиёлилар, фермерлар, талабалар, жумладан, ташқи сиёсатга алоқадор мутахассислар фикримизни тасдиқлайди. Чунки халқимиз бу ислохотлар самарасини ўз ҳаётида ҳар кунни сезади.

Ташқи сиёсат. Бугун Ўзбекистондаги сезиларли натижалар ҳар жабҳада намоён бўлмоқда. Хусусан, мамлакатимиз ташқи сиёсати сўнгги йилларда батамом ўзгарди. Дунё ҳамжамияти эътирофича ташқи сиёсат майдони-

да “Янги Ўзбекистон” атамаси пайдо бўлди. Унинг янги руҳи, янги характери ҳам ўзига хос: **прагматик ва амалий ташқи сиёсат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатдорлик.**

Ўзбекистон Лидери бу мавзуда ҳам нуктадон сиёсатчи сифатида ниҳоятда муҳим ва илгор фикрлари билан ўртоқлашди. Жумладан, биз дунёдаги барча тараққийпарвар мамлакатлар, айниқса, қўшни давлатлар билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда шу стратегик йўлга доимо содиқ қолишимиз ҳақида гапирди.

Пировардида, таъкидланганидек, жакон сиёсатшунослигида “**Марказий Осиё руҳи**” деган ибора пайдо бўлди. Бу сўнгги йилларда бизнинг ташқи сиёсатимизда том маънода бурилиш даври бўлганидан далолат.

Шу ўринда, ҳеч муболағасиз айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон ташқи сиёсати батамом янги характерга ва янги мазмунга эга бўлди. Инжиқлик, қайсарлик ва мантиқсизликларга барҳам берилиб, чинакам миллий манфаатларни илгари сурувиш ташқи сиёсат вужудга келди. Бу сиёсат натижасини ҳаммамиз яқин биламиз. Яъниким, Марказий Осиёда янги муҳит вужудга келди.

Бу минтақа, хусусан, бизнинг халқимизга нима берди? Биргина мисол, ўтган йилларда Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан савдо айланмаси беш баробар ўсди. Демак, яқин қўшничилик сиёсати бевосита ҳар биримизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга ижобий таъсир ўтказмоқда.

Гап Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ҳақида борар экан, Афғонистондаги вазият ҳақида ҳам тўхталиш жоиз.

Президентимиз сиёсатининг доврақчилиги ва халқчиллиги шунда кўринадики, бир неча йил олдин Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим янгилик пайдо бўлди ва Ўзбекистон Афғонистондаги барча ички қучлар, шу жумладан, “Толибон” ҳаракати билан бевосита мулоқот ўрнатди.

Ўша пайтда кўпгина хорижий экспертлар, ҳамкорларимиз бу қадамнинг моҳиятини тўғри англай олмади, ҳаттоки Ўзбекистонни танқид қилган овозлар ҳам эшитилди. Лекин биз бугун бу қанчалик ўз вақтида ва узоқни кўра билиб қўйилган қадам бўлганини кўриб турибмиз. Яъни, бугун Афғонистонда шиддат билан, кескин ўзгаришлар рўй бераётган бир шароитда Ўзбекистон дипломатиясининг аниқ позицияга эгалиги, барча қучлар билан ўрнатилган мулоқотимиз юртимиз, халқимиз тинчлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Албатта, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ҳақида Президентимиз батафсил тушунча берди ва ўйлаймизки, бу ерда ортиқча изоҳга ҳожаат йўқ. Шу боис, фикримизни хорижий мамлакатлардаги элчиларимиз фаолиятида кузатилаётган янгича тамойиллар ҳақидаги мулоҳазалар билан давом эттирсак.

Элчиларимиз ҳақида. Қачон бизнинг элчилар хорижда туриб юртимиз иқтисодиёти, ҳудудларимиз ривожига, халқимиз фаровонлиги билан қизиққан?

Ҳеч қачон. Улар қачон вилоятлар билан ишлаган? Йўқ, ишламаган.

Бугунги элчиларимиз ҳудудлардаги, чекка-чекка қишлоқларимиздаги аҳоли эҳтиёжлари учун ҳаракат қилмоқда. Инвестиция қиритишга бел боғлаган ва бунга эришишга ҳам. Бу ҳам Ўзбекистоннинг ташқи амалий сиёсати самараси ва жуда катта натижадир.

Ва ниҳоят, Президентимизнинг “Бундай ҳолис баҳолар барчамизни қувонтиради. Айни вақтда шунини таъкидлашни истардимки, биз бу демократик ўзгаришларни кимларгадир ёқиш, мақтаниш, турли рейтингларга кириш учун эмас, аксинча, демократик жараёнлар ўзимизга сув билан ҳаводек зарур бўлгани учун, халқимиз, авваламбор, ёш авлодимизнинг бугунги ҳаёти ва эртанги истиқболини ўйлаб, миллий манфаатларимиз йўлида амалга оширмоқдамиз”, деган гапи кейинги йилларда олдимизга қўйган буюк мақсадимизнинг содда ва улугвор ифодаси бўлганини қувонч билан таъкидлашни истардим.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсини ўқиб, биз қабул қилган энг муҳим хулоса шунки: бошланган ислохотлар, амалга оширилаётган ўзгаришлар тўхтамайди, оорта қайтмайди, тус олган. Шу маънода, ҳар биримиз бу интервьюни қайта-қайта ўқиб, ҳаётимизга тўлиқ татбиқ этишимиз зарур.

Сўзимиз сўнггида яна бир гап айтгимиз: бугун дунёда кечаётган оғир, таҳликали бир шароитда, инсоният, жумладан, халқимиз учун синов даврида Аллоҳ назари тушган халқимизга тақдирнинг ўзи муносиб раҳбар ато этди. Шундай экан, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда юртимиз янада ривожланиши учун ҳаракат қилишимиз керак, деб ўйлаймиз.



Бошланиши 1-бетда

Президентимиз мустақиллигимиз тантаналарига тубдан ўзгарган мамлакат, янги давлат, янги жамият, янги имиж, ўзгарган дунёқараш, залворли мақсадлар негизда эришилган зафарлар билан келаётганимизни алоҳида таъкидлади. Ана шу тарихий ютуқлар замирида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг мантикий ҳосиласи сифатида барпо этилаётган янги Ўзбекистон, моҳиятан янги иқтисодий фаолият, янги конституцион тузум, инсонни асраш ва эъзозлашга қаратилган янги суд-ҳуқуқ тизими, самарали ташқи сиёсат, тинчлик, барқарор юксалиш, инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари, тиббиёт, таълим, фан, маданият, маънавият, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги оқилона ҳамда бунёдқорона ишлар тилга олинди.

Аниқ мақсадлилик — тараққиёт асоси

Президентимиз аввал бошданок аниқ мақсад билан катта ислохотларни бошлагани эришилган муваффақиятларимиз бош омили бўлди. Шу боис, ҳалқимиз бугун ўз олдига мисли кўрилмаган катта мақсадларни қўйиб яшамокда. Зеро, мақсад буюк ишларга ундовчи ва ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, у инсонларга ҳар қандай машаққатга шайлик қудратини беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, улкан мақсадни ўз олдига қўйган халқ, миллат оғир, машаққатли ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтади.

Президентимиз “янги” сўзига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Қадимги олтой тиллари оиласига мансуб туркий халқларнинг маънавий меросида “ян” ва “ин” тушунчалари муҳим ўрин тутди. “Ин” сусайиш, ортга қараб иш тутиш, ўзлигини намоён этишдан тийи-

Оқил САЛИМОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги,

Мансур БЕКМУРОДОВ, социология фанлари доктори, профессор

лиш, “ўз инида бўлиш”ни, “ян” эса янгиланиш, қайта бунёд бўлиш, ўзлигини намоён этиш, ўзиб кетиш маъноларини ифода этади.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни янгилаш жараёни кўп минг йиллик тарихий силсилага эга бўлганини, улуғ аждоқларимиз ҳаракати билан дунё тараққиётини тубдан ўзгартириб, янги изга солган икки катта Ренессанс ҳам янгиланишга интилишнинг маҳсули бўлгани, XX асрда мустамлака тузумдан халос бўлиш учун замонавий тараққиётга эришиш ва дунёвий билимларни эгаллаш орқали озодликка чиқишга интилган жадидчилик ҳаракати ҳам моҳият-эътиборига кўра янгича яшаш ва фаолият юритиш мақсадидаги буюк интилиш бўлганини таъкидлагани бежиз эмас.

Интервьюда мақсад омилнинг мазмуний иерархиясига ҳам ишора қилиниб, бугун мамлакатимизда илгари сурилаётган катта мақсадлар шунчаки хаёл, фантазия, хоҳиш ёки истак эмас, балки кучли ишонч билан йўғрилган аниқ мақсад экани таъкидланади. “Мақсаднинг аниқлиги — ҳаракатлар самарасини таъминлайдиган энг муҳим мезондир”, деб қайд этилади.

Янги Ўзбекистон ғояси дабдурустан кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган эмас. Унинг пойдевори бундан 5 йил илгари қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси мазмунига ўз ифодасини топган бўлиб, ҳозирги ривожланиш ҳолати ўша пайтда аниқ белгиланган режаларнинг мантикий ҳосиласидир. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг янги қиёфасини яратиш халқимизнинг характери, унинг инсонларварлик табиати, ҳар ишда биринчи ва намуна бўлишга шайлик хислати, илм ва маърифатга ташналик фазилати билан асосланади. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи такозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”.

Айниқса, интервьюда Шавкат Мирзиёев тилга олган “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “қонун устуворлиги”,



“очиқлик ва ошкоралик”, “сўз эркинлиги”, “дин ва эътиқод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “гендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари бугун кенг таомилга кирган сўз ва иборалар кечагина одамлар ишонмайдиган, мажхул, чалажон тушунчалар эди. Энди улар

“Мамлакатимизда сўнги беш йилда бажарилган улкан бунёдкорлик ишларини давлатимиз раҳбари камтарлик билан изоҳлаб, амалга оширилиши қутилаётган ўзгаришларнинг бошланиши, деб атади: “Биз эски тизимни батамом ўзгартириб, ўз олдимизга қўйган мақсадга тўлиқ эришдик, деб айтишга ҳали эрта. Такрор айтаман, биз ҳар кун исланишдамиз. Бу йўлда дастлабки қадамларни қўймоқдамиз, холос. Лекин “Бу ўзгаришлар — вақтинчалик кампания, ўтади-кетди”, деганлар янглишади. Бу — Президент ва унинг командаси узоқни кўзлаб юритаётган прагматик халқчил сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан бири ва уни халқимиз билан биргаликда албатта охиригача олиб борамиз, ҳеч қачон ортга қайтмаймиз”.

тирилди ва ўзининг асл мазмунини ифодадай бошлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан фаол муомалага киритилган яна бир сўз, яъни “ҳаракат” тушунчаси ҳам араб тилидаги асл мазмунига кўра, “туриб қолган нараса ёки жисмни кўзгатиб юбориш”, “жойидан силжитиш” “жадаллаштириш” маъноларини ифода этади. Янги Ўзбекистонда ҳаётимизнинг барча жабҳалари жадал ўзгаришга юз тутганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Президентимиз ҳаракатни барокат билан боғлаб, қўйидагиларни алоҳида таъкидлади: “Ҳаракатда — баракат” деганларидек, биз энг қийин босқичдан ўтдик, яъни йўлимизни аниқ белгилаб, катта ишларни бошладик. Энди ҳамма гап ислохотлар йўлини қатъият билан давом эттириш ва мантикий якунига етказишда. Бу, албатта, осон эмас, аммо биз бунга

қодирмиз. Муҳими, кейинги йилларда бундай улкан ва мураккаб вазифани амалга ошириш учун етарли сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-институционал замин яратилди”.

Прагматик сиёсатнинг амалий рўёби

Президентимиз ўз интервьюсида “прагматик сиёсат” атамасини тилга олиб, унга алоҳида тўхталди. Прагматик сиёсат давлат бошлиғи, раҳбарлар ёки муайян шахснинг характери, майл-хоҳиши, ёқтирган нарсаларига мойиллигидан келиб чиқиш асосидаги ёндашув бўлмасдан, ҳаммаша халқ учун манфаатли бўлган ишларни амалга ошириш, ҳар қандай нарсаларга объектив муносабатда бўлишни аниглади. Шунингдек, прагматик сиёсат бошланган ишларга изчиллик билан ёндашишни ҳам ифода этади. Мамлакатимизда сўнги беш йилда бажарилган улкан бунёдкорлик ишларини давлатимиз раҳбари камтарлик билан изоҳлаб, амалга оширилиши

энг муҳими, ўзгарган дунёқараш ҳам моҳият эътиборига кўра, амалга оширилаётган ислохотларнинг реал самараларидир. Президентимиз таъкидлаганидек, “Бугунги кунда биз эришган энг муҳим натижа ҳам аслида шу — демократик ислохотларимиз ортга қайтмайдиган тус олди”.

Прагматик сиёсатнинг яна бир жиҳати барча соҳалардаги, хусусан, иқтисодиёт, sanoat, қишлоқ хўжалиғи, суд-ҳуқуқ тизими, таълим ва тиббиёт, ташқи сиёсат билан боғлиқ катта муаммолар прагматик ечим йўлларига киргани бўлди. Прагматик ёндашув аҳолининг тадбиркорликка қизиқиш, тафаккур тарзи, маънавий ва сиёсий қарашларида туб бурилишга асос солди.

Кечагина халқимизда ҳаёт ўзгаришлари, ўз тақдирини яратишга бўлган иштиёқ, янгиликларга бефарқлик, ахборотларга лоқайд ва, бошқача айтганда, қарахт муносабат мавжуд эди. Президентимиз маъмур масала ҳусусида ҳам тўхталди, “Бугун одамлар уйғонмокда, жамият уйғонмокда. Маънавий уйғоқ жамият — бу, ҳеч шубҳасиз, қудратли кучдир”, деб таъкидлади.

Тўғрилиқ ва ҳақиқат йўли

Тўғрилиқ йўли инсониятнинг онгли ҳаётидаги энг мураккаб ва оғриқли нуқта бўлиб келган. Бу масала муқаддас динимиз инсоният тақдирига кириб келган биринчи кунларданок энг долзарб масала сифатида қўйилган. Пайғамбаримизга икки муқаддас исмифа юкланган бўлиб, биринчиси ислом динини жорий этиш бўлса, иккинчиси сидқини, яъни жамиятнинг барча жабҳаларига тўғрилиқни, ҳалоллиқни сингдириш бўлган. Муқаддас ислом дини зўр муваффақият билан бутун дунёнинг катта қисмида эътиқод йўлига айланган бўлса-да, тўғрилиқ ва ҳалоллиқни одамлар онги ва шуурига сингдириш ҳаммаша жиддий муаммо бўлиб келмокда.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаган биринчи кундан бошлаб тўғрилиқ ва ҳақиқат йўлини тутди. Давлат сиёсатини юритиш ва жамиятда ислохотларни амалга оширишда сохтаргарчилик, ёлғончилик, иккиюзламачилиқдан холи ижтимоий-маънавий муҳит яратилди. “Очиқ айтмоқчиман: менинг табиати бундай сохта ҳаётни уйғонмоққа қабул қилолмайди. Халқимиз менга ишонч билдирди, ана шу юксак ишонччи оқлаш, эл-юртимизга муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш мен учун ҳаётимнинг маъно-мазмунидир. Мен миллионлаб инсонларнинг тақдири учун масъулиятни зиммамга олган эканман, ислохотлар борасида бошқача йўл тутишим, ҳаммасини аввалгидек қолдиришим асло мумкин эмас”.

Президентимиз томонидан изчиллик билан жорий этилаётган тўғрилиқ йўли барча юрдошларимизнинг ягона миллий йўли сифатида қарор топаётгани ҳаммамизни қувонтирмокда. Хусусан, ўтган беш йил кўпгина иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги иллатларни ортда қолдирди. Давлатимиз раҳбари тўғри таъкидлаганидек, “Ҳозирги вақтда электрон карточкадаги пуллари банкоматлар орқали нақд пулга айлантириш, миллий валюта курсининг “қора бозор”да — бир хил, банкларда эса бошқача бўлиши, хорижий валюталарни сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, Ўзбекистоннинг исталган ҳудудидан уй-жой ва мол-мулк сотиб олиш ҳамда уларни рўйхатга қўйиш билан боғлиқ муаммолар ҳазирда қолди”.

Ўзбекистон — жаҳон эътирофидаги давлатга айланмокда

Мамлакатимизнинг ташқи ва ички сиёсати жаҳон сиёсатчилари диққат марказида алоҳида муҳокама мавзусига айланди. Яқин кўшнилари билан иттифоқчилик оғир муаммо эди. Бугун Марказий Осиёдаги беш давлатнинг яқин кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабати дунё учун андозага айланди. Ўтган тарихан қиска даврда юртимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин олди. Дунёда янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш таъминиллари кучайди.

Мамлакатимиз Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди, Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик иттифоқи ҳузурида қузатувчи мақомини олди. Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди ва унинг 2021 йил 22 февралда Женева шаҳрида видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган 46-сессиясида муваффақиятли иштирок этди.

Президентимиз нафақат кўшни давлатлар, балки бутун дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратмокда. Хусусан, Марказий ва Жанубий Осиё минтақасида алоқалар узлуқсиз ривожланмокда. Бунинг аққол исботи шу йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусида ўтказилган халқаро конференция хисобланади.

Хуллас, Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсини мамлакатимизни жадал ривожлантириш, ёрқин ва фаровон, эркин ватанга айлантиришнинг яхлит концепцияси, дейиш мумкин.

САЙЛОВ — 2021

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИГА ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Президент сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари учун икки кунлик ўқув семинари бўлиб ўтди.

Округ сайлов комиссияларининг раиси, ўринбосарлари, котиби ҳамда аъзолари иштирок этган ўқув семинарида округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилиш, округ ва участка сайлов комиссиялари бинолари ва овоз бериш хоналарини жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари ваколат ва вазифалари, сайловчилар рўйхати билан ишлаш каби мавзуларда машулотлар олиб борилди.

Марказий сайлов комиссиясида бўлиб ўтган тадбирда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссияси раисига гувоҳномалар, округ сайлов комиссияси муҳри ва бошқа зарур воситалар топширилди.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва журналистлар иштирок этган тадбирда сайлов қонунчилигидаги ўзгариш



ва янгиликлар ҳусусида атрофлича сўз юритилди. Сайлов кодексининг 21-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида 70 кун қолганда комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг 8-18 нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қонунчилик палатаси депутатлари сайловларини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари аъзоллигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи

Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади. Округ сайлов комиссияси аъзолари жамоатчиликнинг обрў-эътиборли вакиллари орасидан тасдиқланади.

Таъкидлаш жоиз, сайлов жараёнларини қонуний, адолатли, холис ва юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда округ сайлов комиссияси аъзоларининг ўрни жуда муҳим.

Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ТУПРОҚДАН МЎЪЖИЗА ЯРАТИБ

Марҳабо ПОЛВОНОВА, Риштон туманидаги “Зар кулол Риштон” оилавий корхонаси раҳбари, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига берган жавобларини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Сухбат халқимизнинг кейинги ўттиз йиллик ҳаёт тарзи билан боғлиқ долзарб масалалар, мавжуд муаммо ва уларни бартараф этиш борасидаги ишлар қамраб олингани билан эътиборимни тортди.

Жавобларда давлатимиз раҳбарининг янги Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнес тармоқлари фаолиятини ривожлантириш йўлида яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар ҳусусида айтган фикрлари қанчалик ўринли, халқчил эканини ўз ҳаётим, иш тажрибамда кўриб турибман. Бу ҳақда ҳар қанча гапирсак, оз.

Тўғри, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш борасида авваллари ҳам шaroитлар яратилиш ҳаракат қилинган. Аммо бир ишнинг бошини тутиш учун қoғoзбoзлик, таниш-билишчилик силламизни қуритарди. Бугун умуман бошқача шaroитда, янги имкониятлар йўлида изланилмиз. Президентимизнинг “Тадбиркорлар уларни қўллаб-қувватлаш ҳақида”ги чиройли сўзларни кўп эшитган, энди бу гапларнинг амалий таъсири ва натижасини ўз кундалиқ фаолиятида ҳис этиши керак” деган гаплари бугун ўз исботини топпоқда.



2016 йили “Зар кулол Риштон” оилавий корхонага асос солганмиз. “Мискин” маҳалла фуқаролар йиғинида бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатмай ётган кулпочилик цехини сотиб олдик. Етти километр жойдан газ қувури тортиб келтирдик. Авваллари бу ишларни амалга ошириш жуда мушкул бўлган. Шу тариқа ишларимиз юришди, 14 нафар маҳаллий ёшни ишга жалб этдик. Орадан бир йил ўтиб, кулпочилик маҳсулотларимиз ички ва ташқи бозорда харидорғир бўлди. Ўтган йили кўшни Қирғизистонга 40 минг доллар қийматидаги маҳсулот сотдик. Тўғри, бу хали оз. Лекин бу ишни йилдан йилга кенгайтириб борамиз. Бу йил эса Тожикистон, Қозоғистон мамлакатларига ҳам маҳсулот етказиб бериш борасида иш олиб бoрлямиз.

Ҳа, иш бошлаганимизда қийинчиликлар бўлди. Аммо ортга чекинмадик. Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг тадбиркорлиқни

қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишларидан куч-қувват олдик, эртанги кунга ишончимиз ортиди. Махсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш йўлида изланишлар олиб бордик. Хусусан, кам газ сарф қиладиган, мўқoбoл энергияларда ишловчи печлардан фойдаланишга эътибор қаратилмиз. Корхонамизда 30 хилдан ортиқ бадий кулпочилик буюмлари ишлаб чиқарилади. Махсулотларимиз Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Бухоро вилоятларига етказиб берилляпти.

Жорий йилда корхонамиз ҳудудидаги бўш турган ерда давлат хусусий шерикчилик асосида 100 ўринли “Гулгўнча” болалар мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этдик. Бу ерда “Мискин”, “Марказ” маҳалла фуқаролар йиғинларида “Темир дафтар”га киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 30 нафар фарзанди бепул тарбия олмақда. Шунингдек, тикувчилик йўналишида ҳам иш олиб бoрлямиз. Шу мақсадда янги ишлаб чиқариш тармоғи фаолияти учун жой ҳозирладик. Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан 9 та тикув машинаси ажратилди. Бу ерда “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”га киритилган 20 нафардан зиёд хотин-қиз, “Устоз — шоғирда” анъаналари асосида хунар ўрганмокда.

Мен шу юртда, янги Ўзбекистоннинг янги ҳаётида оз бўлса-да, хиссам борлигидан фахрланаман. Президентимиз ўз интервьюсида таъкидлаганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш учун янги имконият эшиклари очилмокда. Бунни биз, тадбиркорлар ҳар кунги, ҳар жихатдан ўз ҳаётимизда ҳис қилиб турибмиз. Фақат ҳалол меҳнат билан, ҳамжихат бўлиб ҳаракат қилсак, кифоя. Чунки бизга кўмак берувчи, қўллаб-қувватловчи Президентимиз бор.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uznews

ОНКОЛОГИЯ ХИЗМАТИ: ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

ТИББИЁТ

Мирзағолиб ТИЛЛАШАЙХОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош онколог, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига қаратилаётган катта эътибор аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, онкологик ва даволаш қийин бўлган касалликларнинг олдини олиш, самарали даволаш борасида салмоқли қадамлар қўйилди. 2017 йил 4 апрелда Президентимизнинг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланди. Ушбу қарор юртимиз онкология тизимини бутунлай янги поғонага олиб чиқди, десак муболаға бўлмайди.

ТИЗИМДАГИ ЎЗГАРИШЛАР КЎЛАМИ

Қарор ижроси самараси ўлароқ, юртимизда аҳолига ихтисослашган онкологик ёрдам кўрсатувчи ягона тизим яратилди. Онкология илмий маркази Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига ўзгартирилди ва 15 та ҳудудий онкология диспансери марказнинг филиалларига айлантилди. Марказда 10 та даволаш корпуси бўлиб, 370 ўринга эга. Бу ерда йилга 9 мингдан ортиқ беморга стационар, 43 минг нафарига амбулатор хизмат кўрсатилади.

Тизимнинг бирламчи бўғинида, ҳар бир туман ҳамда тиббиёт бирлашмасида онкологик кабинетлар ташкил этилиб, мутахассислар фаолияти йўлга қўйилди. Шу тарзда онкология ягона тизим сифатида туман даражасигача кириб боришига эришилди.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази таркибида Саратон профилактикаси, Экспериментал онкология, Нур терапия усулларига онкология марказлари ташкил этилди. Онкологияда диагностика ва даволаш стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Бунинг натижасида энди юртимиздаги барча онкология муассасаларида тиббий диагностика ва ёрдам ягона замонавий стандартлар асосида бажарилади.

Беморларни даволаш дори-дармонсиз бўлмайди. Лекин уларни топиш ва сотиб олиш ҳар қандай беморга, унинг яқинларига қийинчилик туғдиради. Шу сабаб, давлат томонидан бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Таққослаш учун мисол: онкология хизмати учун дори-дармон ва сарфлов воситаларига 2016 йилда 8 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич қарийб 62 миллиард сўмга етди. 2022 йилдан эса 125 миллиард сўм маблағ ажратилди, яъни маблағ ҳажми қарийб икки баробар оширилди.

Онкология соҳасидаги ислохотларнинг давоми сифатида давлатимиз раҳбари жорий йил 27 майда



“Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорни имзолади.

Ушбу ҳужжатда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ҳудудида замонавий янги бино-иншоотлар комплекси қуриш ва жиҳозлаш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Бунинг учун Корея Республикаси клиникалари фаолияти ўрганиб келинди. Айни пайтда Тошкент вилояти, Тошкент шаҳридаги филиалларни жамлаган ҳолда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Марказий Осиёда ягона бўлган 650 ўринли янги биносини қуриш ишлари жадал суруятларда давом эттирилмоқда.

Онкология тизимидаги кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ёш мутахассисларнинг ҳар қандай етакчи марказларда давлат маблағи ҳисобидан малака ошириши, соҳа ходимларининг иш ҳақи соғлиғига етказиладиган зарарни ҳисобга олган ҳолда қайта қўриб чиқилиши, туман онколог шифокорини Республика онкология маркази вилоят филиали раҳбарининг тавсияси асосида лавозимга тайинлаш ва

озод этиш тизими жорий этилиши соҳа ривожига иккунинг туртки бўлиши, шубҳасиз.

Гематологик, онкологик ва ирсий иммунологик касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар бўйича ахборот тизими жорий этилади. Фойдаланиладиган жорий рўйхати, уларнинг самардорлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар йили янгиллаб борилади. Оғир ва даволаб бўлмайдиган босқичдаги беморлар учун оғриқ қолдирувчи наркотик ноинъекцион воситалар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Аҳоли орасида ушбу касалликларга қарши курашиш мақсадида хорижий грантлар, техник ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, статистик кўрсаткичлар ҳаққонийлиги таъминланади ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини реал баҳолаш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, қарор ижроси натижасида онкологик касалликларни биринчи-иккинчи босқичларда эрта аниқлаш кўрсаткичлари яхшиланмоқда. Операциядан кейинги ўлим ҳолатлари камаюди. Юқори технологик текширишлар қўлланиши, даволаш эндовизуал жарроҳлик юқори технологиялари ва радиотерапевтик даволаш усуллари жорий этиш эса 95 фоизга етказилди.

Чилонзор туманидаги янги бинога кўчириш, 2022 йил 1 январдан бошлаб болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Республика гематология маркази таркибидан чиқарилиб, мустақил фаолият юритишини таъминлаш, 2021–2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўптармоқли тиббиёт марказларининг болалар гематологияси бўлимлари негизда болалар гематологияси ва онкологияси бўлимларини ташкил этиш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Албатта, буларнинг бари онкология соҳасида жуда катта ўзгаришларга олиб келади. Жумладан, Республика онкология маркази янги замонавий бинога кўчирилиб, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоят филиаллари бирлаштирилади. Шу тариқа Марказий Осиёда етакчи илмий-амалий марказ яратилади ва унда ҳам илмий, ҳам амалий соҳалар, таълим тизими, тиббиётнинг бошқа соҳалари билан интеграциялашган йирик мажмуа иш бошлайди. Бу марказ дунёдаги етакчи клиникаларга рақобатбардош муассаса бўлиб, фақатгина аҳолига кўрсатиладиган ихтисослашган онкологик ёрдам сифати яхшиланибгина қолмай, тиббий туризм ривожланиши натижасида қўшни давлатлардан даво истаб келувчилар сони ҳам ортиши кутилмоқда. Онкологик беморлар ягона ахборот базаси яратилади, статистик кўрсаткичлар ҳаққонийлиги таъминланади ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини реал баҳолаш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, қарор ижроси натижасида онкологик касалликларни биринчи-иккинчи босқичларда эрта аниқлаш кўрсаткичлари яхшиланмоқда. Операциядан кейинги ўлим ҳолатлари камаюди. Юқори технологик текширишлар қўлланиши, даволаш эндовизуал жарроҳлик юқори технологиялари ва радиотерапевтик даволаш усуллари жорий этиш эса 95 фоизга етказилди.

Бундан ташқари, қарор ижроси натижасида онкологик касалликларни биринчи-иккинчи босқичларда эрта аниқлаш кўрсаткичлари яхшиланмоқда. Операциядан кейинги ўлим ҳолатлари камаюди. Юқори технологик текширишлар қўлланиши, даволаш эндовизуал жарроҳлик юқори технологиялари ва радиотерапевтик даволаш усуллари жорий этиш эса 95 фоизга етказилди.

ВИЛОЯТЛАРДА ҲАМ ХИЗМАТ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ҳудудлараро хоспислар онкологик ва юқумли бўлмаган бошқа касалликларнинг ўтказиб юборилган босқичини бошидан кечириётган беморларни стационар ҳамда амбулатория шароитида, шунингдек, уйда тиббий даволаш имконияти бўлмаганда, уларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатадиган мустақил тиббиёт муассасалари сифатида ташкил этилади.

Ҳозирда замонавий тиббиёт анча ривожланган бўлса-да, даволаш имкони бўлмаган касалликлар ҳам бор. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам шифокор беморга қандайдир ёрдам кўрсатади. Бу паллиатив ёрдам дейилади. Яъни, оғриқ хуружларини қолдиради, психологик ёрдам кўрсатади, бемор ахволини биров бўлса ҳам яхшилашга ҳаракат қилади ва ҳоказо.

Кечки босқичлардаги беморларга ёрдам кўрсатиш учун филиалларда 200 ўринли паллиатив ўринлар ташкил этилди. Оғир, кечки босқичдаги беморлар учун Хоразм вилоятида 50 ўринли хоспис очилди. Самарқанд ва Фарғона вилоятларида очилиш арафасида. Тошкент шаҳридаги хоспис республикадаги ҳудудлараро хосписларга ёрдам кўрсатувчи услубий марказ этиб белгиланди.

Аввал юртимизда бор-йўғи 5 та нур терапия ускунаси мавжуд бўлиб, беморларнинг навбат кутиши энг катта муаммолардан бири эди. Қарор доирасида нур терапия ўтказиш учун 2 та чизикли тезлаткич, 11 та гамма терапевтик ва 7 та брахитерапевтик ускуна сотиб олинди ва ишга туширилди. Бунинг натижасида беморларга комплекс ва комбинирланган муолажа ўз вақтида кўрсатилиб, нур терапиясини вилоятларда олиш имконияти яратилди.

Тошкент шаҳри, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида илк бор 3 та замонавий иммуногистохимия лабораторияси ташкил қилинди. Энди беморлар чет эл клиникаларига бормасдан, юртимизда сифатли муолажа олиши мумкин.

МАЛАКА ОШИРИШ ВА ХОРИЖИЙ АЛОҚАЛАР

Ўзаро ҳамкорликни яхшилаш борасида 18 та етакчи хорижий давлат клиникалари ва марказлари билан келишув меморандумлари имзоланди. Кадрлар салоҳиятини ошириш борасида шу давр ичида 150 дан ортиқ ёш мутахассис Жанубий Корея, Туркия, Франция, Португалия, Россия, Беларусь каби давлатларда малака ошириб қайтди. Сунгги уч йилда тизимдаги 150 нафар мутахассис нуфузли хорижий клиникаларда давлат ҳисобидан малака оширган.

Чет эл клиникалари билан алоқа яхшиланши, моддий-техник база мустаҳкамланиши натижасида текшириш ва даволаш стандартлари замон андозаларига мос равишда

Онкологик касалликларни эрта аниқлаш мақсадида кўрак беги ва бачадон бўйни саратони бўйича скрининг текширувлар ўтказилмоқда. Бунинг учун биргина Бухоро вилоятида 15 та маммографик ускуна ўрнатилиб, жорий йилнинг биринчи ярмида юртимиз бўйича 207 минг 402 нафар аёл скринингдан ўтказилди.

Андижон, Хоразм, Самарқанд филиалларида ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига замонавий лапароскопик ускуналар олиниши натижасида каминвазив лапароскопик жарроҳлик амалиётини бажариш кенг йўлга қўйилмоқда.

Онкология муассасаларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, қўшимча ўринлар яратиш, янги бинолар қуриш, уларни ускуналар, онкомаркерлар, реактивлар билан таъминлаш бўйича ҳам иш олиб боришмоқда. Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича хорижий давлатлар институтлари филиалларини ташкил этиш, Самарқанд вилояти филиалига ажратилган 3-туғруқ комплекси биносини таъмирлаш ҳудудларида хизмат ривожига катта туртки бўлади.

Болалар онкологияси ва гематологияси бўлимлари бирлаштирилиб, янги замонавий бинога кўчирилиши натижасида, истиқболда бу соҳа алоҳида фаолият юрита бошлайди. Уларни молиялаштириш, кадрлар билан таъминлаш, моддий таъминот масалалари, диагностика ва даволаш стандартлари қайта ишлаб чиқилади. Албатта, янги соҳа бўлими болалар онкологияси ва гематологияси тизими истиқболда жуда жадал ривожланиш йўлини туттиши, онкологик бемор болаларга кўрсатиладиган даво сифати эса янада яхшиланади.

доимий янгиланиб боради ва барча онкология муассасаларида ягона стандартлар бўйича иш олиб боришига эришилади.

Мухтасар айтганда, онкология соҳасига ҳукуматимиз томонидан қаратилаётган юксак эътибор бизни беҳад қувонтириши, ғайратимизга ғайрат қўиши баробарида, ушбу вазифаларни бажариш йўлида жуда катта фидойилик, меҳнат ва жонбозлик талаб этади. Малакали онкологик хизмат сифатини тубдан яхшилаб, аҳолининг давлатдан ва тиббиёт ходимларидан розилигига эришиш, юртимиз тиббиётини дунё тиббиётининг энг юқори сатҳига олиб чиқиш устувор вазифамиздир.

САНОАТ

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР — МИНГЛАБ ИШ ЎРНИ ДЕМАКДИР

Улугбек САПИЕВ,
“Термиз” эркин иқтисодий зонаси директори

Мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш, уни диверсификация қилиш ва инновацион ривожлантиришда энг самарали воситалардан бири, бу — эркин иқтисодий зоналардир.

Уларнинг ташкил этилиши юқори технологияли саноат, муҳандислик, транспорт ва бошқа йўналишлар, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, туризм ҳамда дам олиш соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Бундай ҳудудларга алоҳида, масалан, солиқ, божхона тўловларида дисконти маъмурий имтиёзлар берилиши боиси ҳам шундан.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 мартдаги “Термиз” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори-га асосан “Термиз” ЭИЗ ташкил этилган эди. Ҳужжат билан мазкур зона бошқарув тизими янада такомиллашиб, зарур муҳандислик-коммуникация, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш орқали Сурхондарё вилоятида қулай инвестиция муҳити яратилди. Термиз тумани, “Айритом” маҳалласида 54,6 гектар жой шу мақсадга бўлиб, 38,6 гектар ер майдони ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ажратилган ҳамда 20 та лот белгилаб олинган. Қолган 16 гектар ер майдони ички йўллар ҳамда муҳофаза зоналарига ажратилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тенденцияси ўсиб бормоқда. Уларда ташқи савдо ва инвестиция муносабатлари ривожланиб, вилоятга тўғридан-

тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ҳамда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил этилишига эришилмоқда. Қувончлиси, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ўсмоқда.

“Термиз” эркин иқтисодий зонаси 20 турдан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, экспорт қилиш, шунингдек, саралаш, қадоқлаш, ҳамда товар айирбошлашга ихтисослаштирилган. Иқтисодий зонада асосан техника воситалари, ун ва ун маҳсулотлари, чинни идишлар, қурилиш фасад материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритиб, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Асосий вазифамиз йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб этиш, уларга ер майдонлари ажратиб бериш, зарур муҳандислик-коммуникация, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаб, Сурхондарё вилоятида қулай инвестиция муҳитини яратишдан иборат.

Шубҳасиз, бу вазифалар катта билим ва салоҳият талаб қилади. Биргина инвесторлар билан ишлаш жараёнини олайлик. Уларни соҳага жалб қилиш учун ҳам махсус кўникма лозим. Жараён



маҳсулотни жаҳонга олиб чиқувчи кадрларни талаб этиши ҳам табиий. Тадбиркорлик асосида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш вазифаси турса, эркин иқтисодий зона мана шу мезон билан бир қаторда, экспортни йўлга қўйишни ҳам ўз зиммасига олади.

Ҳозирги кунда 10 гектар ер майдони 7 та инвестиция лойиҳалари учун ажратиб берилиб, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Булар “Термиз концентрат моллари” МЧЖ томонидан телевизор, “Indenim Textile” МЧЖ томонидан тайёр тўқувчилик маҳсулотлари, “Ceramik industries” ҳамда “Кўхитанг инвест сервис” МЧЖлар томонидан кафель, “Chagam asia” ҳамда “South Sun Development” МЧЖлар томонидан ун ва

ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларидир. Натижада 2220 та янги иш ўринлари яратилади.

“Термиз” ЭИЗ томонидан импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган 70 та истиқболли лойиҳалар бўйича тақдирлар Ўзбекистоннинг чет элдаги элчихоналари ҳамда маҳаллий инвесторларга юборилган. Бугунги кунда Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Хитой, Германия, Россия ва афғонистонлик инвесторлар томонидан дастлабки тақдирлар ўрганиб чиқилмоқда. Масалан, Хитойнинг “Холли Групп” компанияси билан қиймати 30 миллион долларлик инновацион техно-

парк ташкил этиш бўйича видеоконференция орқали музокаралар олиб борилди. Шунингдек, мазкур давлатнинг “Beijing Xinhuiyuan Technology Development Co.ltd” билан умумий қиймати 236,6 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги гаприн, яъни чорва озуқаси учун оқсил ва экин ерларининг унумдорлигини ошириш учун минерал ўғитлар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича меморандум тасдиқланди. Ушбу тасдиқланган меморандум бўйича хозирги кунда амалий ишлар олиб боришмоқда.

Термиз эркин иқтисодий зонаси бош режасига асосан, ташқи ва ички муҳандислик коммуникация тармоқларини қуриш бўйича лойиҳа сарф харажатлари дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг қиймати 111,5 миллиард сўмни ташкил этади. Натижада эркин иқтисодий зона ҳудуди тўлиқ муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланади. Зонада амалга оширилаётган саноат лойиҳаларининг энг йириги — автомобиль саноати кенг имкониятлар яратилган бўлиб, режаларнинг тўлиқ ишга туширилиши натижасида 200 га яқин аҳоли иш билан таъминланади.

Тадбиркорлик фаолияти аҳоли фаровонлиги ва даромадларини ошириш, тараққиётга эришининг ишонкли йўли экани бугун ўз исботини топмоқда. Шу боис, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга, айниқса, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ва унда янги лойиҳаларнинг иш бошлашига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Иқтисодий зонамиз қулай ташқи бозор, жаҳон стандартидаги логистика ва божхона хизматлари, барча муҳандислик коммуникация

тармоқларининг мавжудлиги билан афзалликларга эга. Шунингдек, сармома бўла туриб, бизнес режа устида бош қотираётган шахсларга ҳам кўмак бериб, фойдали лойиҳаларни тақдир қилиш. Эркин иқтисодий зонада маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йилгача муддатга имтиёз ва преференциялар берилиб, бир қанча солиқ ва божхона тўловларидан озод этилади.

Таъкидлаш жоиз, бугун мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаб, керакли шарт-шароитларни яратиш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётини кўтаришга хизмат қилади. Биз ҳам шундай олий вазифаларни бажаришни мақсад қилганмиз.

Истиқболдаги режамиз: ҳудудда соҳалар бўйича кластерлар ташкил қилиш. Албатта, бу борадаги ишлар катта меҳнат талаб қилади. Термиз эркин иқтисодий зонасининг салоҳиятини кўрсатувчи рақамлар юқори даражада бўлишига ишонаман ва бунга ҳаракат қиламиз. 2021—2025 йилларда режалаштирилаётган 120 та йирик инвестиция лойиҳаларини тўлиқ амалга ошириш ҳисобига йилга 1 триллион 100 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 140 миллиард сўмлик бюджетга қўшимча равишда маблағлар тушуши, 12 минг нафар янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шундан 7 минг нафарини аёллар ҳамда ёшлар ташкил қилади. Шу билан бира, йилга 100 миллион доллар миқдоридида маҳсулотлар экспортга чиқарилиши кутилмоқда.

Дарҳақиқат, олдинда бажариладиган ишлар талайгина. Ўйлаймизки, биз тақдир этадиган маҳсулотлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган белгиси остида жаҳон бозорларини тўлдириб туради.

ФАХР-ИФТИХОР



ШЕР КАБИ КУРАШГАН ЎЗБЕК ЎҒЛОНЛАРИГА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!



Эркин ЗОХИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Фан, таълим,
маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

13 август куни давлатимиз раҳбари Олимпия ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси вакиллари ҳамда уларнинг ота-оналари билан учрашувда спортчи йилги-қизларни катта ғалаба билан самимий қутлар экан, бундай кўрсаткичларга етишиш улардаги фидойилик ва ватанпарварликнинг ёрқин намунаси эканини алоҳида таъкидлади.

Олимпия ҳаракати асосчиси, француз журналисти Пьер Кубертъен "Олимпиада учун муҳими рақибни енгиш эмас, балки курашларда қатнашиш", деган эди. Аммо нуфузли спорт мусобақасида иштирок этиш имкониятини қўлга киритган спортчи борки, албатта, Олимпиада ғолиби бўлишни оруз қилади. Токио шаҳрида ўтказилган Олимпия ўйинларида ҳам дунёнинг қарийб 200 мамлакатли вакиллари ана шу мақсад билан спортнинг ўттиз уч тури бўйича мurosасиз курашларга киришди. Президентимиз ибораси билан айтганда, шерга қарши шердек курашиш, жанг қилиш кераклиги ушбу мусобақаларда яна бир бор намоён бўлди.

Ўзбекистон спортчилари ҳам фақат ғалаба сари интилиб, ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини кўрсатди. Улар она халқимизнинг меҳри ва ишончи, миллионлаб мухлисларнинг қўллаб-қувватлашини ҳар дақиқа юрак-юракдан ҳис этди ва ғолиблик сари дадил интилди.

Ҳеч бир ғалабага осонликча эришилмайди. Коронавирус пандемияси туфайли Токио Олимпиадасининг бир йилга кечиктирилгани иштирокчиларнинг тайёрланиш графигидаги узғаришлар, ўйинларнинг томошабинларсиз ўтиши каби қўтимлаган қийинчилик ва ноқулайликларга сабаб бўлди. Мураккаб вазиятга қарамай, юртимиз спортчилари Олимпиадага пухта ва тизимли тайёрларлик кўрди ва унда қатнашиш учун 71 та йўлланмани қўлга киритди. Қўвонарлиси, улардан 28 тасини хотин-қизларимиз олди. Бундай йирик кўрсаткич мамлакатимиз тарихида илк марта қайд этилди.



Олимпиада мусобақаларида ўзбек спортчи иштирокчилари ватанимиз вакиллари ғалабаларидан мағрурланиб, мағлубиятларидан азият чекди. Аммо мurosасиз ўтган жуда кўп курашларда спортчиларимиз ўзларининг етук тайёрларлиги ва юксак маҳоратини кўрсатди. Улар қўлга киритган 3 та олтин ва 2 та бронза медаль, шубҳасиз, муҳим ғалабадир. Олимпия ўйинларига янгидан қиритилган спортнинг шижоатли тури — таэквандо, энг мураккаб спорт турларидан бўлган оғир атлетика ҳамда боксининг оғир вазн тоифасида ўзбек ўғлонлари эришган ғалабалар, албатта, ҳар бир юрдошимизга катта ифтихор бағишлаб, ўзбек спортининг дунё миқёсида кенг эътироф этилишига яна бир ишончли асос бўлди.

Ана шундай қўвончли онларда давлатимиз раҳбари Олимпиада ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчилари, уларнинг мурабийлари ва Олимпия жамоаси аъзоларини орден ва медаллар, кимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари билан тақдирлади. Президентимиз Олимпиадада қозонилган ҳар бир ғалаба, ҳар бир медаль Ўзбекистондаги кенг қамровли ислохотларнинг дунё миқёсида эътирофи, мамлакатимиз обрў-эътиборини оширишга хизмат қилишини таъкидлади. Бундай юксак натижалар асосида спортчиларимиз қаҳрамонлиги ва шижоати билан бирга, уларнинг мурабийлари ва жамоа аъзоларининг машаққатли меҳнати, ота-оналари берган ўғитлари ва тўғри тарбияси ётгани эътироф этилди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари спортчиларимиз катта, салмоқли муваффақиятларга, асосан, яккакураш турларида эришаётганига эътибор қаратиб,



спортнинг жамоавий турларини ҳам мос равишда ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Бу борада ҳукуматнинг алоҳида қарорини ишлаб чиқиш тошмириги берилиб, унда спорт таълими соҳасида, айниқса, юксак маҳоратли спортчилар тайёрлашда биринчи навбатда амалга оширилиши зарур ишлар белгиланди.

Жумладан, юртимиздаги спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежларида мутахассислар тайёрлаш ишларини тубдан қайта кўриб чиқиш, республика ва ҳудудлар кесимида ўтказиладиган спорт мусобақаларини ташкил этишда оммавийлик, очкилик ва шаффофликни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ватанимизнинг спорт соҳасидаги улкан салоҳиятини намоён этишда 2024 йилда бўладиган Париж Олимпиадаси янада муҳим аҳамиятга эга. Бўлғуси Олимпиада олдиндан футбол, баскетбол, гандбол, чим устида хоккей, регби, волейбол сингари жамоавий спорт турлари бўйича ҳам йўлланмаларни қўлга киритиш лозим. Учрашувда давлатимиз раҳбари бу борада бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, мамлакатимиз спорт делегациясининг Токио Олимпиадасидаги иштирокини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни сарҳисоб қилиш кераклиги таъкидланди.



Токио шаҳрида ўтказилган Олимпия ўйинларида ҳам дунёнинг қарийб 200 мамлакатли вакиллари ана шу мақсад билан спортнинг ўттиз уч тури бўйича мurosасиз курашларга киришди. Президентимиз ибораси билан айтганда, шерга қарши шердек курашиш, жанг қилиш кераклиги ушбу мусобақаларда яна бир бор намоён бўлди.

Бунинг учун спорт менежменти бўйича нуфузли халқаро компаниялардан бирини жалб этган ҳолда, мамлакатимизда ушбу соҳада бошқарув тизимининг ҳар бир бўғинини аудитдан ўтказиш лозимлиги айтилди. Келгуси Олимпия ўйинларига ҳар томонлама тайёрларлиқни шу бундан бошлаш, ўз олдимизга аниқ мақсад қўйиб, астойдил ҳаракат қилиш кераклиги қайд этилди.

Шунингдек, спорт бўйича таълим сифатини яхшилаш, иқтидорли, истиқболли спортчиларни саралаш (селекция) ва уларнинг захирасини шакллантириш тизимини тубдан такомиллаштириш, бунда замонавий ўқитиш дастурлари ва методикасини амалиётга жорий этиш, спорт таълим муассасаларида паралимпия бўлимларини ташкил этиб, уларга 10 фоиз қўшимча квота ажратиш бўйича вазифалар қўйилди. Спортчиларни ўқитишда ота-оналар томонидан пул тўлаш тартибини бекор қилиш, хусусан, битирувчиларни олий таълим муассасаларига жисмоний тарбия ва спорт йўналишлари бўйича давлат гранти асосида тўғридан-тўғри иккинчи босқичга, имтиҳон синовларисиз қабул қилиш тизимини жорий этиш таклифи илгари сурилди.

Жорий йилдан бошлаб ҳар бир спорт мактабига давлат буюртмиси бериш тизимини жорий этиш лозимлиги, бунда спорт мактаблари томонидан ҳар йили спорт усталигига номзод, спорт устаси, халқаро тоифадаги спорт устаси каби разряд ва унвонларга эга бўлган спортчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиши, ушбу тизим орқали эса спорт мактабларининг рейтингни юритилиб, уларнинг фаолиятига шу асосда баҳо берилиши таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, биз янги Ўзбекистон ёшларини ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашга бел боғлаганмиз. Бунда спорт усталарининг халқаро миқёсдаги ютуқлари ёшларни соғлом бўлиб ўсиш, спорт билан тизимли шуғулланишга ундайди. Спортчиларимизнинг Токио Олимпиадасидаги ғалабалари эса бунинг ёрқин намунасидир.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Собитхон ТУРҒУНОВ,
Наманган давлат университети ректори,
педагогика фанлари доктори, профессор

Бугун Янги Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳалари чуқур ислохотлар майдониغا айланган. Бу жараёнда ижтимоий соҳанинг асоси ҳисобланган таълим тизимидаги ўзгаришлар ҳақида тўлқинланиб сўзлашганимиз иложи йўқ.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Ҳаммамизга аёни, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболли, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ".

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим тизимининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича амалий ишлар ҳал қилувчи босқичга кирди. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий қисmini, албатта, олий таълим тизимидаги ислохотлар ташкил этади.

Бунда мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси соҳадаги янги ислохотлар учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардор кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди.

Концепция мазмуни мамлака-

малака ошириши ва стажировка ўташини таъминлайдиган механизм яратилди. Уларнинг ойлик иш ҳақи миқдори 2018 йилга нисбатан ўртача 2,5 баробар оширилди. Жорий йилдан бошлаб 10 та олий таълим муассасаси ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилди.

Олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилгани, олий ўқув юртлирига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони 2 баробарга кўпайтирилиб, 2 мингтага етказилиши олий таълимга қамраб олиш кўламини янада кенгайтди.

Таълим тизимидаги энг муҳим янгиланганда бири олийғоҳлар ва таълим тизимининг қуйи бўғинлари ўртасидаги узвийлиқни кўчатириш мақсадида 65 та академик лицей олий ўқув юртлири тасарруфига ўтказилиши, шунингдек, 187 та техникум ҳам ўз йўналиши бўйича турдош олийғоҳ ва тармоқ корхоналарига бириктирилиши бўлди.

Ахборот технологиялари асри деб ном олган XXI асрда ҳаётнинг барча жабҳаларида — саноат, қурилиш, кимё, қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик, машинасозлик ва бошқа соҳаларда юксак тараққиётни юзага келтириш учун илм-фанни ривожлантириш, бу борада янгиланган яратиш ҳаётий заруратга айланди. Бу жараён эндиликда дунёда тараққиёт йўлини тутган барча мамлакатларда эътироф этилмоқда. Юртимизда ҳам бу жараёнга алоҳида эътибор берилмоқда.

Президентимиз ўз фаолиятини академиклар, етакчи олимлар, умуман, илм аҳли билан учрашувдан бошлагани, юртимизда илм-фан ривожини ишлаб чиқариш тараққиёти билан уйғунлаштиришга



жатардан бири бу — **"Таълим тўғрисида"**ги қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши бўлди. Мазкур қонунга асосан, таълим соҳасидаги асосий принциплар, таълим тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб қўйилди.

Шунингдек, қонунга кўра, давлат олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари Президент ёки ҳукумат қарори билан ташкил этиладиган бўлди. Нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш уларнинг таъсисчилари томонидан амалга оширилиши белгиланди. Нодавлат таълим ташкилотларига лицензия Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан бериладиган бўлди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар Наманган давлат университетида ҳам изчил амалга ошириб келинмоқда. Чунки, кейинги уч йилда факультетлар сони 9 тадан 15 тага, мутахассислик кафедралари сони 27 тадан 46 тага, таълим йўналишлари сони 31 тадан 52 тага, магистратура мутахассисликлари сони эса 12 тадан 26 тага етказилди. Бунга мос равишда илм истиғида бўлган университет талаба ёшлари сони 5100 нафардан қарийб 21000 нафарга етди. Профессор-ўқитувчилар сони 470 нафардан 710 нафарга ошди.

Кейинги йилларда илмий педагог кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилиб, илмий салоҳият 37 фойздан ошди, таълим сифатини таъминлаш йўлида бугунги кунда 12 та иختисослик бўйича 9 та иختисослашган кенгаш фаолият олиб бормоқда. Албатта, бу борада 17 та таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантлар ҳисобидан университет илмий-педагог кадрлари сафини салоҳиятли кадрлар билан тўлдириш мақсади белгилаб олинган.

Яқин-яқингача университет, асосан, педагогик соҳа учун мутахассислар тайёрлар эди. Бугунги кунда эса археология, маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш, социология, юриспруденция, қутубхона-ахборот фаолияти, доривор ўсимликлари етиштириш ва қайта ишлаш технологияси, сабзавотчилик, полимчилик ва картошқачилик, иссиқхона ҳўжалигини ташкил этиш ва юритиш, меҳмонхона ҳўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, туризм, 2021 йилдан бошлаб эса давловлаш иши, педатрия иши каби қатор йўналишларда ҳам кадрлар тайёрланаётир. Булар бари университетимизнинг вилаетдаги ҳақиқий ақл марказига айланётганидан далолат беради.

Университет йирик илмий-тадқиқот маркази сифатида медиа марказ ташкил этиш, аквакультура бўйича ўқув-амалий ўрнажлар ташкил этиш, доривор ўсимликлардан шифобахш ичимликлар тайёрлаш, шифобахш профилактик сумалак ишлаб чиқариш технологияси, Фарғона водийсида тарқалган камёб ва йўқолиб бораётган ҳамда эндем турларнинг тирик коллекцияси, электрон фотоальбоми ва рақамлаштирилган электрон маълумотлар базасини яратиш каби йирик халқаро илмий лойиҳаларда иштирок этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан олий таълим ташкилотлари учун академик ва ташкилий, шунингдек, молиявий мустақилликнинг берилиши ҳамда Кенгашлар ваколатларининг кенгаётгани таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, сифатли таълим хизматларини таъминлаш ва бу борада олдимизга қўйилган вазифаларни тўла-тўқис адо этиш орқали мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи салоҳиятли кадрлар тайёрлашга кенг имкониятлар яратди.



тимиз олий таълим тизимини ислох қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради. Унда олий ўқув юртлирига қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларнинг илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўплаб аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳондага нуфузли олий таълим муассасалари илм-фаннинг йирик ўчоқлари ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирда юртимизда янги-янги олий ўқув юртлири, дунёдаги етакчи университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда. Хусусан, сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 47 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, олий ўқув юртлири сони 125 тага етди.

Давлат-хусусий шериклик тизими асосида нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Аҳоли фикрини ўрганган ҳолда, сиртки ва кечки таълим шакллари қайта тикланди, қабул квоталари оширилмоқда. Мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фойздан 2020 йилда 25 фойзга етди.

Профессор-ўқитувчиларнинг хориждаги олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот масканларида

қаратгани бежиз эмас.

Шундан кейин давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини яхшилаш, китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китобхонлиқни кўчатириш, янги эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш, мамлакатни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш, "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси", Имом Термизий халқаро марказини ташкил қилиш тўғрисида ва шу каби бошқа кўплаб қарорлари, фармонлари, фармоишларида илм-фанни юксалтириш асосий масалалардан бири сифатида белгиланиши ҳам ана шу эътиборнинг амалий ифодасидир.

Илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш, уларнинг ютуқларини юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотга айлантириш жараёнида интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоя қилиниши алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумотларга кўра, интеллектуал мулк улуши Европада ялли ички маҳсулотнинг 45, Хитойда 12, Россияда 7 фоизни ташкил этади. 2020 йилнинг 12 октябры кунги Президентимиз раислигида бўлиб ўтган йиғилиш ҳам "Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш — Учинчи уйғониш даври учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилади" мавзусига бағишланган эди. Ушанда давлатимиз раҳбари патент эгалари ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, таълим тизимида қабул қилинган энг муҳим ҳуж-

Янги-янги ғоялар, ижод завки жўш ураверсин!



“Янги Ўзбекистон” газетасида бир-биридан яхши, ўқишли мақолалар бериб борилаётганидан менинг ҳам илҳомим жўшиб кетади. Айниқса, кейинги пайтларда маънавият саҳифасида элимиз ардоқлаган санъаткорлар, чет эллик олимлар билан ҳам суҳбатлар уюштирилиб, уларнинг видеолари ҳам янгича усулда жойлаб борилаётгани диққатга сазовор.

Андижонлик бўлганим учун 13 ёшида вилоятимизни бутун дунёга танитган Санобар Раҳмонова билан бўлган суҳбат алоҳида эътиборимни тортди. Санобархонни ҳозир ҳам яхши биламан. Ўзи айтганидек, Шароф Рашидов уни кашф этган пайт биз ҳам Андижондан шундай бир овоз эгаси чиқди, Шароф Рашидовнинг эътиборига тушди, деб роса ғурурланиб юрганимиз.

Санобархоннинг устози Ғулмолжон Рўзибоевни ҳам яхши биламан. Насиб қилса, шу суҳбатдан кейин мана шу бахтли устоз ҳақида ҳам бир мақола тайёрлаш ғояси туғилди. Уйлайманки, бутун дунёга танилган ёшгина қизчани тарбиялаган устоз ҳақидаги маълумотлар ҳам кўпчиликини бефарқ қолдирмайди.

“Янги Ўзбекистон” газетаси таҳририятига эса чуқур миннатдорлик билдирган ҳолда айтманки, узоқ йиллар элимиз ардоғида бўлган, бугун биров эътибордан четда қолаётган фидойи инсонлар ҳали жуда кўп. Уларни излаб топиб, биз, ўқувчиларга мароқли суҳбатлар тайёрлаб бераётган заҳматкаш қалам аҳлига — журналистларга туганамас куч-ғайрат тилайман. Газетанинг келгуси сонларида ҳам кўнгулга яқин инсонларнинг дилдаги гапларини мириқиб мутлоаа қиламиз, деган умиддаман. “Янги Ўзбекистон”нинг ҳар бир саҳифасида янги-янги ғоялар, ижод завки жўш ураверсин!

Рустам ШАМСУДДИНОВ,
Андижон давлат университети профессори

Эзгу ишлар бардавом бўлсин!

Болалигимиз, ўқувчилигимизнинг кўп вақти пахта даласида ўтган. Ҳам мактабда ўқиб, ҳам пахта режасини бажаришга ҳисса қўшардик. “Маънавият” радиоси доимий хамроҳимиз бўлса, бригада шийпонидеги катта телевизор тушулган пайти жонимизнинг оромини эди. Уша пайтларда элимиз тенге қиз ҳақидаги фильм — “Қўйла, Санобар!”ни кўриш учун дам олиш кунлари тоғ қоронғусидан далага ошиқиб, ишларимизни тезроқ якунлашга уринардик.

Кўрсатувлар дастурини кўриб олиб, ўша соатда шийпонда жам бўлиб, Санобарнинг қуйлашини кутиб ўтирганимиз. Фильм бошланиши билан элимиз ҳам гўё Санобарга айланиб, ҳар биримиз унга қўшилиб хиргойи қилар, унинг ўрнида бўлиб қолганини жуда-жуда истар эдик. Айниқса, “Устозлар”, “Сабо, келтир хабар қишлоқларимдан” деб бошланувчи ёки ёшлик ҳақидаги қўшиқлари қалбимизга қаттиқ ўрнашиб қолган. “Устозлар” таъсирида устозларига бўлган ҳурматимиз чандон ошган. Аслида, биз устозларни қаттиқ ҳурматлар эдик. Қўшиқда айтилганидек, уларнинг кўзидан меҳр нури ёғиши, изларининг табарруқлигини чуқурроқ ҳис қилганимиз.

“Янги Ўзбекистон” газетасида севимли санъаткоримиз билан бўлган суҳбатга кўзим тушиб, қувониб кетдим. Дарҳол ўқишга киришдим. Чунки “лов” этиб ёнган оловдек Санобар кейин нима бўлди, нега қўшиқ айтмай қўйди, булардан беҳабар эдик. Узоқ йиллар уни саҳнада яна кўришни орзу қилардик. Хайриятки, 2017 йилдан бошлаб у яна сахналарга қайта бошлади. Ўнинг машҳурлиги ортидан келган машаққатларни ўқиб, кўзимга ёш келди. Шунча қийинчиликларга дош беришнинг ўзи бўлмайди.

Мана энди меҳнатларининг роҳатини кўргани рост бўлсин! Президентимизга раҳмат! Санобар каби кўпсал санъат вакилларини саҳнага қайтариб, ҳалқимизни ҳам хурсанд қилди. Ана шундай инсонлар билан бўладиган суҳбатлар, улар ҳақидаги мақолалар, албатта, биз, мухлислар учун жуда-жуда қизиқ. Уларнинг ҳаёти, оиласи, меҳнат фаолияти ҳақида яқиндан билгимиз келади. Шу маънода, газета таҳририятига ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман. Илоҳим, бундай эзгу ишларнинг бардавом бўлсин!

Лобархон ПИРМАТОВА
Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Олтинсой МФЙ

кўпчилигининг грант асосида ўқишга кирганларини эшитганимда, уйқусиз ўтган тунларим, беҳаловат кунларимдан минг қарра рози бўлиб кетганман. Ҳозир бу ўқувчиларимизнинг деярли ҳаммаси турли ҳудудларда масъул лавозимларда ишлайди. Нима демоқчиман? Ёшлик эътибор билан, меҳр, ҳимоя билан ўзини намоён қиладиган фасл. Лекин бу фаслнинг имкониятларини тўлалигича эзгуликка йўналтириш учун бир, икки одамнинг фидойилиги камлик қилади, бундай катта мақсадлар учун мамлакат миқёсидаги собит сиёсат керак. Ёшларимиз бугунги эришяётган муваффақиятларининг илдизи ҳам уларга оид сиёсат давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканидир.

Шу кунларда халқимиз ёш спортчиларимиз тухфа қилган яна бир қувонч шуқуқи билан яшамоқда. Спортчи йигит-қизларимиз Токио Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига 5 та (3 та олтин, 2 та бронза) медални тухфа қилди.

Бокс бўйича Олимпиада чемпиони Баҳодир Жалоловнинг онаси Сабоҳат ая фарзанди туфайли қабул қилаётган табрикларга жавобан миннатдорлик билдирар экан:

— Ғалаба оиларида ўғлимга рақиб бўлган йилнинг онасини уйладим, унга сабр тиладим, ўғли қачондир шоҳсупанинг энг баландига кўтарилиб, уни ҳам суюнтирсин, деб дуо қилдим, — деди.

Мана, ўзбек аёлининг дунёдай кенг юраги. Бундай ҳаёллар бошқа қоғозларимиз Улуғбек Рашидов, Акбар Жўраев, Давлат Бобонов, Бекзод Абдурахмонов ва бошқа иштирокчиларнинг волидалари дилдан ўтгани, шубҳасиз. Шунинг учун, ҳа, айнан, шундай бағрикенг оналар тарбиясини олгани учун Ўзбекистон ўғил-қизларининг йўллари очик, манглайи ярқираган. Яна бир ҳақиқат борки, йигит-қизларимиз ўсиш, юксалиш қудратини оид этакдиган бу даврнинг қадрини билишлари, фақат ўзлари эмас, ёнида ашаётган тенгдошларини ҳам зийраклик



ларини чўнтагимиздан пул тўлаб тест марказига олиб борганимиз. Улар олган балллари қараб, қайси олий ўқув юртига кириш имкони борлигини аниқлар, яна ва яна кучларини чамаларди. Шахсан ўзим раҳбарлик қилган гуруҳни уч марта пул тўлаб, тест топширтганман. Балллари қараб гуруҳларга ажратардим. Билим даражасига қараб топшириқлар берардим, фан ўқи-тувчиларининг қўшимча дарсларини ташкил этардим. Югюриб-елиб юрарканман, ҳамкасбларим орасида барақалла, деб ёрдам берганлари ҳам бўлган.

— Сизга нима, тошхайкал кўярмиди булар олим бўлса, — дея иддао қилганлари ҳам йўқ эмасди.

Ишонасизми, ўша йиллари битирувчиларимизнинг 80-90 фоизи олий ўқув юртларига, тагин

эгатлардаги қировларни сидириб туширар, биз — қизлар орасидан жижка ҳўл, ости лойланиб, оғирлашган этакларимизни судраб, ўзимиз ҳам судралар эдик. Бундай шароитда ёшларнинг юксалиши ҳақида гап бўлиши мумкинми? Тезроқ қорону тушса-ю, ҳовурларимиз илгитидиган баракларга бориб, аёздан қақшаган вужудимизга салгина бўлса-да, ором беришни орзу қилардик. Одам боласининг орзуси ўзи ашаётган шароитдан баландга юксала олмайдди. Янги йилдан кейин эса сессия бошланиб, чала-чупла ўқиган дарсларимиздан имтиҳон топширардик. Гулларини қўтариб баҳор келганда эса бизнинг ютгани, пилла фасилимиз ҳам кириб келарди. Бугунги 50-60 ёшлилардаги оёқ, бел оғриқлари, буйрак касалликлари осмондан тушган эмас. Мустабид тузумнинг одамни қадрламаслик, айниқса, қарам мамлакатлар фуқароларини меъсимаслик сиёсатининг оқибати бу. Ўзбекнинг гарданига ўзи торта олмайдиган юкини ортиб, бўйини эгдиргани бу. “Қўшиб ёзиш” деган ёлгонларга гирифторм этиб, сўнг қамолқарга тикиб, томошасини кўргани бу...

Қачон шу мавзуда гап очилса, кўксиди Афғонистон уруши жараҳатлари ҳали-ҳануз битмаган онаизорлар: “Болам, тинч замоннинг изтиробларини қайгу санама. Катта оғалар ўратган тартиботга бўйсуниб қаҳратонда пахта йўқ далада изиллаб юрса-да, болаларимиз бағримиздан узулиб кетмаган бўлса, қанийдди, дея қуйрашади. Чунки “қўшни давлатга ёрдам” никоби остида Афғонистонга бостириб кирган шўроларнинг навбатдаги адолатсизлиги канча йигитларимизнинг заволига сабаб бўлди. Қўл-оёқсиз, майиб, мажруҳ қайтганлари кўксимизга битмайдиган куюк солгани бир дардидофтар ахтариши керак. Биз эса, аксинча, сув ўтмайдиган этик, совуқдан асрайдиган қалинроқ кийимлар, ёнбошимиздан зах ўтказмайдиган йиғма қараовотлар ғамлардик. Чунки ўқиб бошланганидан ўн кун ўтиб-ўтмай, пахтакорга айланардик. Миллатимизнинг елкасига ортилган тоғдек миллионларга ҳисса қўшиш учун янги йил арафаларигача дала кезардик. Пахта бор пайтида бўйинига осилган этакнинг оғирлиги унча сезилмайди. Аммо ноябрь ойи ўрталариданоқ қаттиқ совуқ тушар, эгатларда “йилт” этган пахта кўринмасди. Йигитларимиз икки тарафдан арқон тортиб юмюк қўсақлари тош қотиб ётган

Боласининг бахтидан қувонмайдиган эл бормикан... Айниқса, биз каби “дунёда болам деб яшайди(ган) ўзбек”ларнинг кўзига фарзанди кўқартирган гиёҳ гул бўлиб кўриниши бор гап. Ўғил-қизларимиз орқасидан келадиган биргина “ташақкур”, биргина “раҳмат” умримизни бир неча бор узайтириб, ёшимизни яшартириб юборади, дейишса, ишонаверинг. Айнан шунинг учун зурриётларимизга ўзимизга атаганимиздан ҳам яхшироғини илинаимиз.



ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

“АЪЛО МАМЛАКАТНИНГ АЪЛО ФАРЗАНДИ, БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ”

Мунаввара УСМОНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Бугун бу нуқтаи назар бир оила ёки бир сулола доирасидан чиқиб, умуммиллий масалга айланди. Жорий йилнинг Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб номланиши камолга етаётган авлодларимиз ҳаётида яна бир ўзига хос нури саҳифа очди, десак ҳақ гапни айтган бўламиз. Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумига ташриф буюрди. Ташриф таассуротларини ўртоқлашар эканмиз, бир кекса ҳамкасбимиз: — Болаларимизни мода ортидан қувади, ўзимизнинг мумтоз муסיқалар туриб, шовқин-суронли куйларни тинглайди, деб улардан биров ранжигандек бўлиб юраверибмиз-у, мана қаранг, дилбандларимиз бугуннинг катта юкига елка тутадиган бўлиб қолибди. Давлат раҳбари қўлидан мукофот олиш даражасига етибдими, демек, умр баҳорида Ўратган эгамдан ато бўлган куч-қувват, кўзлардаги ёлқин, юракдаги оловлар беҳуда соғурилмапти. Улар илм билан, бунёдкорлик, яратиш, ундириш-ўстириш жабҳаларида чарқланиб, тобланипти экан, — дея суюниб гапирди. Кўнглини ўстирадиган бу тарздаги туйғулар аини пайтда бир, икки ижодкорнинг эмас, кўпчилигининг дилдан ўтаётгани аниқ. Юқорида айтиб ўтганимиз форумда келтирилган фактларни ҳар гал ёдга олганимизнинг ўзиданоқ яшаётган лаҳзаларимизнинг қадр-қиммати ҳар қачонгидан ҳам таянчроқ ҳис қиламиз.

“...227 минг нафарга яқин ёш тадбиркор ва фермер, моҳир ҳунарманд иктисодимиз тараққийига муносиб ҳисса қўшмоқдалар...”

“Ёшлар — келажакимиз” дастури доирасида ёш авлод вакилларининг 7775 та бизнес лойиҳасига 1 триллион 635 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, шу асосда 40 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди. ...

“Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси бўйича барча ҳудудларимизда 65 мингга яқин ёш деҳқонга 54232 гектардан зиёд ер ажратилди. Шу ва шунга ўхшаган чора-тадбирлар натижасида сўнгги уч йилда 560200 нафарга яқин ёш фуқаро иш билан таъминланди”

Бу рақамлар ёшлар эгаллаган марраларнинг кун сайин самарали фаолият майдонига айланиб бораётганини далиллайди. Қўлида келтирилаётган рақамлар эса уларнинг яна бир кучи, тўғрироғи, асосий кучи илм билан боғлиқлигини намоён этади.

“...Кейинги уч йилда республикамиздаги олий ўқув юртлари сони 60 фоиз ошиб, 116 тага етди... Бу йил мактаб битирувчиларининг 25 фоизи олий ўқув юртларида ўқиш имкониятига эга бўладилар. Ҳолбуки, 2017 йилда бу рақам 9 фоизга тенг эди”

Рақамлар қотиб қолган жонсиз суратлар эмас. Ҳар бирининг орқасида ўзини англаётган, ўзини топаётган, умрининг гўзал лаҳзаларини Ватан тақдирини билан боғлиқ ҳолда кўраётган ёш юраклар нафаси бор. Абдураимов Бекзод

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ